

Меҳрибон Расул



16:25 / 20.11.2017 4075

Қачон бирон сура нозил қилинса, «Сизни биров кўрмадими?» деб бир-бирларига назар соладилар-да, сўнгра бурилиб кетадилар. Улар англамайдиган қавм бўлганлари учун, Аллоҳ қалбларини буриб қўйди.

Ушбу ояти карима мунофиқларнинг ҳолини ажойиб услуб билан фош қилади. Кўпчилик иштирокида илмий мажлис бўлмоқда. Мунофиқлар ҳам ўзларини мусулмон кўрсатиб, мажлисда ўтиришибди. Шу пайт Қуръони Карим сураларидан бири нозил бўлиб қолди. Бу мунофиқлар учун мусибат, чунки янги сурада янги таклифлар, амрлар, қилиниши лозим бўлган ишлар бўлиши мумкин. Мунофиқлар фақат оғизларидагина мусулмонлар. Исломга, унинг амрига амал қилишга уларнинг тоқати йўқ. Шунинг учун дарҳол қочиб қолиш пайига тушадилар. Бир-бирлари билан кўз уриштириб,

бирова кўриб қолмасин, деб, дарҳол бурилиб, мажлистан чиқиб кетадилар.

«Қачон бирон сура нозил қилинса, «Сизни биров кўрмадимми?» деб бир-бирларига назар соладилар-да, сўнгра бурилиб кетадилар».

Мунофиқлар ўз фойдаларини ўзлари тушунмаганлари учун, ўзларига фойдали нарсдан бурилиб, қочганлари учун Аллоҳ таоло ҳам уларнинг қалбларини буриб қўйди. Ҳа,

«Улар англамайдиган қавм бўлганлари учун, Аллоҳ қалбларини буриб қўйди».

Энди улар ҳидоятга келмай, мунофиқ кофирлигича ўлиб кетадилар.

Сураинг сўнгида Мадинада нозил бўлган иккита оят келади. Бу оятларда Набий алайҳиссаломнинг ўз қавмларига бўлган муносабатлари ҳақида сўз кетади.

Батаҳқиқ, сизларга ўзингиздан бўлган, машаққат чекишингиз унинг учун оғир бўлган, сизни ардоқловчи, мўминларга мушфиқ, меҳрибон Расул келди.

Бу ояти каримада Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асосий сифатларидан бир нечаси зикр қилинмоқда.

«Батаҳқиқ, сизларга ўзингиздан бўлган», яъни бошқа ёқдан келмаган, осмондан тушмаган, балки ўзингиздан бўлган бир киши Пайғамбар бўлиб келди. Бу, ўйлаб кўрсангиз, ўзингиз учун шараф, обрў. Ўз ичингиздан шундай олий мақомга сазовор инсон чиққанига хурсанд, шод бўлишингиз ва унга эргашишингиз керак.

«...машаққат чекишингиз унинг учун оғир бўлган», яъни у Пайғамбар сизнинг машаққат чекишингизни, қийинчиликда қолишингизни мутлақо истамайди. Доимо сизга енгиллик, осонлик бўлишини хоҳлайди.

«...сизни ардоқловчи», яъни бу Пайғамбар сизнинг икки дунё саодатига эришишингизга иштиёқманд. Шунинг учун ҳаракат қилади.

«...мўминларга мушфиқ, меҳрибон Расул келди».

Дунё тарихида у зот соллаллоҳу алайҳи васалламдек, кишиларга марҳаматли, меҳрибон инсон бўлган эмас. Бу улкан ҳақиқатни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари ва

ҳадисларидан билиб оламиз.

Охирги оят Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хитобдир.

Бас, агар юз ўғирсалар, сен: «Менга Аллоҳнинг Ўзи етарли. Ундан ўзга илоҳ йўқ, Унгагина таваккул қилдим, У буюк Аршнинг Роббидир», - дегин.

Яъни «Эй Пайғамбар, агар сен динга даъват қилаётган одамлар чақириғингни қабул қилмай, юз ўгириб кетсалар, Сен:

«Менга Аллоҳнинг Ўзи етарли»,

Аллоҳдан ўзганинг менга кераги йўқ. Сизларнинг ҳаммангиз, битта ҳам қолмай, юз ўгириб кетсангиз ҳам заррача зиёни йўқ. Аммо билиб қўйинглар, юз ўгириб, қаёққа ҳам борасизлар?! Ахир

«Ундан ўзга илоҳ йўқ...»

Шунинг учун ҳамма фақат Унгагина ибодат ва қуллик қилмоғи лозим. Сиз нима қилсангиз қилаверинг, аммо мен

«...Унгагина таваккул қилдим...»

Чунки

«У буюк Аршнинг Роббидир- дегин».

Қолганини Аллоҳнинг Ўзи билади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Тафсири ҳилол китобидан)